

САЙЛОВЛАР — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ, ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТНИНГ АЖРАЛМАС БЕЛГИСИ, ХАЛҚ ХОҶИШ-ИРОДАСИНИНГ ЭРКИН ИФОДАЛАНИШИ, ФУҚАРОЛАР ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ ИШЛАРИНИ БОШҚАРИШДА ИШТИРОК ЭТИШИНING АСОСИЙ ШАКЛИДИР.



O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

• 2009-yil • 3-dekabr • Payshanba • 141-42 (30.102) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримов 2 декабрь куни Оқсаройда Жонс Хопкинс номидаги университет ҳузуридаги Марказий Осиё ва Кавказ институти директори Фредерик Старр раҳбарлигидаги АҚШ экспертлари гуруҳини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари таниқли америкалик сиёсатшуносларнинг Ўзбекистонга ташрифи юртимиз ҳаёти, жумладан, иқтисодиёт, илм-фан, таълим тизими ривожини, умуман, мамлакатимиз салоҳияти билан бевосита танишиш учун қулай имконият эканини таъкидлади.

Халқаро экспертлар ҳамжамияти таниқли вакиллари-нинг қайд этишича, Ўзбекистон минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашда, Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатишда муҳим ўрин тутди. Уларнинг фикрича, Ўзбекистон иқтисодиётининг бугунги тараққиёти ва кенг қўламда изчил ривожланаётгани узоқ муддатли савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик учун катта қизиқчи уйғотмоқда.

Америкалик экспертлар самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон Республикаси раҳбариятининг халқаро майдонда изчиллик билан олиб бораётган оқилона ташқи сиёсати алоҳида аҳамиятга эга эканлигини яна бир бор таъкидладилар. Мулоқот чоғида минтақавий хавфсизликка доир ҳамда бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати йигирманчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлиси эртага — 2009 йил 4 декабрь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари бугун — 2009 йил 3 декабрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойсисада рўйхатга олинади.

ЎЗБЕКISTON ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тарафдори. **Партиямиз аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш учун курашади.**

ЎЗХДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

3-6 бетлар

8 декабрь — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган кун

Кеча пойтахтимизда Бош Қомусимиз қабул қилинганлигининг 17 йиллиги муносабати билан «Конституция — бахтимиз пойдевори» ва «Президент асарлари билимдони» кўрик-танловларининг Республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ҳар йили республика-миздаги барча умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларга Конституциямизнинг мазмун-моҳиятини чуқур ўргатиш ва бу борадаги билимларини янада бойитиш мақсадида 10 ноябрдан 10 декабрга қадар «Инсон, унинг кадр-қиммати, ҳуқуқлари мукддас» мавзусида ҳуқуқий, маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилади.

БАХТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ



Унда Халқ таълими, Адлия вазирликлари, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, «Камолот» ЁИХ, «Соғлом авлод учун» халқ-аро хайрия жамғармаси ҳамкорлигида «Конституция — бахтимиз пойдевори», «Президент асарлари билимдони» кўрик-танлов-

билимдонлари» каби викториналарни ўтказиш ани-анага айланган.

Мазкур тадбирда «Конституция — бахтимиз пойдевори» ва «Президент асарлари билимдони» кўрик-танловларининг мактаб, туман ҳамда вилоят босқичларида фаол иштирок этган иқтидорли ўқувчилар ва уларга Конституция фанидан сабоқ бераётган ўқитувчилари ҳозир бўлди.

Мактабларимизда Конституция дарслари билан бирга мана шундай танловларнинг ўтказилиши муҳим аҳамиятга эга, — дейди халқ таълими вазири ўринбосари Абдуғани Холбеков. — Унда ўқувчилар Бош Қомусимизнинг мазмун-моҳияти, унинг халқимиз ва мамлакатимиз ҳаётида тутган ўрнини иншо-лар, тасвирий восита-ларда ифодалоб беришга ҳаракат қилган. Бу ишлар-нинг рағбатлантирилиши

эса мурғак қалбларда Конституциямизни янада чуқур англашга бўлган интилишни кучайтириши шубҳасиз.

Қарши шаҳридаги 19 - мактаб ўқувчиси Гулҳаё Абдуллаева, Жарқўрғон туманидаги 36-мактаб ўқувчиси Қобилбек Ҳайиталиев, Гурлан туманидаги 6-, 42-ихтисослаштирилган мактаб ўқувчилари Шохрўх Йўлдошев, Лайло Каримова, Нукус шаҳридаги 3-мактаб ўқувчиси Муҳтасар Раҳимова ҳамда Зарафшон шаҳридаги 8-мактаб ўқувчиси Сарвар Хўжақуловлар «Конституция — бахтимиз пойдевори» Республика кўрик-танловининг турли йўналишлари бўйича ғолибликни қўлга киритган бўлса, «Президент асарлари билимдони» танловида Урганч шаҳридаги 5-мактаб ўқувчиси Наргиза Хўжаниёзова тенгсиз деб топилди.

Ғолибларга тадбир ташкилотчиларининг фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУНЛАР — ЖАМИЯТ ВА ШАҲС МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯСИДА

Мамлакатимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллигини нишонлаш арафасида турибди. Мазкур Конституция инсон, унинг ҳаёти, озодлиги, кадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқларини олий қадрият сифатида тан олувчи суверен демократик давлат барпо этишининг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Босиб ўтилган йўлга назар солар эканмиз, шунини ишонч билан айтиш мумкин, ўтган тарихий қисқа давр мобайнида мамлакатимизда конституциявий меъёрлар ва тамойилларни ҳаётга таъбиқ этиш, фуқароларнинг шахсий, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини тўлиқ таъминлаш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбари Исрол Абдуғаниевич Каримов томонидан илгарии сурилган «кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилли асосида жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳаларини ривожлантириш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш, сиёсий

ва суд-ҳуқуқ тизимларини такомиллаштириш босқич-ма-босқич амалга оширилмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ислохотларнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини яратиш муҳим аҳамият касб этган бўлса, ҳозирги кунда олдимизда турган устувор вазифалардан бири уни такомиллаштириш ҳамда замон талабларига мослаштириш ҳисобланади.

Бунда асосий эътибор сиёсий тизимни янада ривожлантириш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлаш, процессуал иш юритишни такомиллаштириш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими ва жиноий жазоларни либераллаштириш, ўта хавфли жиноятлар

ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашни кучайтиришга асосий эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, жорий йилда 10 дан ортқ қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, уларга кўра сайловлар тўғрисидаги, жиноят, жиноят-процессуал, маъмурий жавобгарликка оид қонунчилик ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва қўллашни амалга оширувчи органлар фаолиятини тартибга солувчи бошқа бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мутлақо янги ўзгаришлар мажмуи киритилди.

2009 йил 1 июндан қўнча қирган «Сайловлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунлариға ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ушбу йўналишда амалга оширилган ишлар сирасида алоҳида аҳамият касб этади.

Мазкур Қонунга биноан

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси беш йил муддатга сайланадиган 150 нафар депутатдан ташкил топиши белгиланди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, қуйи палата депутатларининг 135 нафари умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлаш ҳуқуқи асосида худудий бир мандатли сайлов округларидан кўптартиявийлик асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланадилар.

Шу билан бирга, 15 нафар депутатлик ўринлари ўтган йилда мамлакатимизда ташкил этилган Ўзбекистон Экологик ҳаракатиға ажратилган бўлиб, депутатлик ўринлари квоталарининг бундай тарзда тақсимланиши аҳолининг барча қатламлари манфаатлариға бевосита тааллуқли бўлган табиати муҳофаза қилиш ва фуқаролар соғлигини сақлаш масалаларининг ўта долзарблиги билан изоҳланади.

(Давлати 2-бетда)

Жорий йилнинг 1 декабрь куни Россиянинг «Вести 24» янгиликлар канали Ўзбекистоннинг Марказий Осиё эғона энерготи-зими деб аталадиган тузилмадан чиққиш тўғрисида тожик телевидениеси томонидан тайёрланган лавҳани намоиш қилди. Бунда ушбу воқеанинг келиб чиқиши ва моҳиятини нотўғри талқин қилишга ҳаракат қилинди.

Мазкур лавҳанинг мазмунини таҳлил қилган ҳолда «Жаҳон» ахборот агентлиги қуйидагиларни маълум қилади. Ўз вақтида унитар совет тизими мақсули сифатида Марказий Осиё-нинг бирлашган (яғона эмас) энерготи-зими яратилган бўлиб, унинг фаолияти тўлалиғича Совет Иттифоқи Энергетика вазирлиги томонидан молиялаштирилган, демаски мувофиқлаштирилган ва бошқари-лар эди.

Совет Иттифоқи тарқалиб кетгач, Марказий Осиёнинг бирлашган дея аталмиш энерготи-зими ўз бошқарувини йўқотди ва омонат ҳолатга тушиб қолди, зеро ушбу тизим ҳеч қандай мажбурий функционал юри-дик ваколатларга эга эмас эди. Бу эса бирлашган диспетчерлик хизмати курсатмалари, мажбурий қўнча эга бўлмагани ҳолда, асосан маълумот учун қабул қилинишиға, айрим мамлакатлар умумий тар-моқдан электр энергиясини узати-ш ва олиш бўйича белгиланган меъёрларни мунтазам равишда бузишиға, натижада ҳалокатли оқибатлар келиб чиқишиға олиб келди.

Бу борада матбуотда эълон қилинган сўнги хабарларға тўхтал-сак. Жумладан, Россиянинг «Извес-

«ЖАҲОН» АХБОРОТ АГЕНТЛИГИНИНГ ХАБАРИ

тия» газетаси 2009 йилнинг 16 ноябрида «Тожикистон узилиб қолиши мумкин» номли мақолани чоп этди, унда ушбу мамлакатнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ҳақида хабар берилди. Шу кўни «Независимая газета» «Москва Душанбени зулматга фарқ этади» деб номланган матери-алини чоп этди. Шу йилнинг 12 ноябрида Қозғистоннинг «Республика» газетасида чоп этилган «Ўғри-ликка чидамаймиз!» номли мақола-да Тожикистон бевосита Марказий Осиёнинг бирлашган энерготи-зими-дан электр энергиясини олиб қўйишда айбланди. 2009 йилнинг 18 ноябрида «Политком. ру» сайти «То-жикистоннинг оғир киши» мақола-сида Душанбенинг энергетика со-ҳасидаги ўйланмаган хатти-ҳаракат-ларини таҳлил этиб, улар келтириб чиқариши мумкин бўлган салбий ҳолатларни қайд қилди.

Мазкур мақолаларда ва ОАВдаги шунга ўхшаш материалларда табиий равишда Ўзбекистоннинг бирлаш-ган энерготи-зимдан чиққиш келти-

сабабларига тўла баҳо берилди. Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон томони келишилган тартибда (2009 йилнинг сентябрь-октябрь ойлари-да) барча манфаатдор томонларни, шу жумладан, Тожикистон ва Қир-ғизистонни 2009 йилнинг 1 декаб-

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ ВА АМАЛИЁТИГА БАҒИШLANGAN СЕМИНАРЛАР **2**

«НЕВСКИЙ ЭКСПРЕСС» **3**

МЕҲР ҚАЕРДАН БОШLANАДИ? **8**

O'zbekiston havo yo'llari **TOSHKENT** XALQARO AEROPORTI **Хизматлар лицензияланган**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

ТУРСУНОЙ ЖЎРАЕВА

(68-Шеробод сайлов округи)



1964 йилда Термиз шаҳрида туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ)ни тамомлаган. Мутахассислиги — ҳуқуқшунос. ЎзХДП аъзоси.

Меҳнат фаолиятини 1986 йилда Термиз савдо базасида ҳуқуқшуносликдан бошлаган. 1987 йилдан 2004 йилга қадар «Сурхонатропромтранс» АСБ ҳуқуқшуноси, «Сурхонатроптаммирлаш» идораси ҳуқуқшуноси, Сарийосиё туман ФХДБ бўлими

муdiri лавозимларида ишлаган. 2005 йилдан вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ҳуқуқшуноси сифатида фаолият кўрсатмоқда.

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси, аввало, инсон, халқ манфаати, аҳоли ижтимоий ҳимояси учун курашади, — дейди у. — Агар депутатликка сайлансам, шу тамойилга риоя қилган ҳолда партияимиз электронтининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини дадил ҳимоя қилиш учун курашаман. Қабул қилинадиган қонунларга сайловчиларнинг талаб-истакларидан келиб чиқиб, аниқ таклифлар киритиш фаолиятимнинг асосий йўналишларидан бири бўлади. Уларнинг ижроси таъминланиши учун депутатлик ваколатидан самарали фойдаланишга ҳаракат қиламан. Булардан ташқари, қуйидаги масалаларни амалга оширишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим:

— ҳар бир инсоннинг касби ва даромади унинг фаровон яшаш даражаси талабларига жа-

воб беришига эришиш;

— аҳолининг кўпчилик қисми қишлоқ жойларида яшайди. Қишлоқ инфратузилмаси тубдан ўзгарса, ўз-ўзидан қатор ижтимоий муаммолар ҳам ўз ечимини топишини ҳисобга олиб қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган, пухта ўйланган лойиҳалар амалга оширилишининг изчиллигини таъминлаш;

— нафақадаги ва кам таъминланган фуқароларимиз ижтимоий муҳофазасини, уларга эътибор, меҳр, ғамхўрлик кўрсатишни янада кучайтириш;

— ногиронларнинг зарур шарт-шароитлар ва қўшимча имтиёزلардан фойдаланиш даражасини ошириш;

— ўқитувчилар, мактабгача таълим муассасалари ва соғлиқни сақлаш соҳаси ходимларига қўшимча имтиёزلар бериш чораларини янада кучайтириш;

— халқимизнинг истъомол маданиятини юксалтириш, истъомолчиларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунларни янада такомиллаштириш.

Шу каби долзарб муаммоларнинг қонунчилик даражасида ечимини топиш учун бор билим ва имкониятларни ишга соламан.

МАДАМИН РАҲИМОВ

(69-Ангор сайлов округи)

1971 йилда Денов туманида туғилган. Маълумоти — олий. 1994 йилда Тошкент давлат техника университетини тамомлаган. Мутахассислиги — муҳандис.



Меҳнат фаолиятини 1994 йилда Тошкент шаҳридаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлигида мутахассисликдан бошлаган. 1996-1997 йилларда Куролли Кучлар сафида хизмат қилган. 1997-2001 йилларда Собир Раҳимов туман ҳокимлигида I-тоифали мутахассис, бош мутахассис, ташкилий ишлар ва кадрлар масалалари бўйича гуруҳ раҳбари вазифасида ишлаган. 2001-2003 йилларда Тошкент шаҳар ижтимоий мослашиш маркази бош мутахассиси, марказ раҳбари лавозимларида хизмат қилган. 2003 йилдан Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича

комиссия масъул котиби.

2006-2007 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.

Унинг ижтимоий соҳага оид 20 дан ортиқ илмий мақолалари, шу жумладан, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалаларига бағишланган 10 дан ортиқ услубий қўлланмалари чоп

этилган. Улар Вояга етмаганлар ишлари бўйича Республика комиссияси томонидан минтақалардаги комиссияларга иш жараёнида фойдаланиш учун тавсия қилинган.

У жамоат ишларида, болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ўтказилган республика ва халқаро анжуманларда ўз маърузалари билан фаол иштирок этиб келмоқда. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Мадамин Раҳимов болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни миллий истиқлол руҳида тарбиялаш масалаларида катта илмий ва амалий тажрибага эга.

— Партиянинг қиёфаси, жамиятдаги нуфузи унинг парламентга қандай гоьларни, таклифларни илгари сураётгани билан белгиланади, — дейди у. Шунинг учун мен депутат бўлиб сайлансам, партияимиз дастурий мақсадларини, сайловолди сиёсий позициясини амалга ошириш жараёнида ушбу масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқчиман.

МАШРАБ СИДДИҚОВ

(70-Термиз сайлов округи)

1960 йилда Термиз туманида туғилган. Маълумоти — олий. Тошкент политехника институти, Термиз давлат университети ва Ўзбекистон Миллий университети тамамлаган. Мутахассислиги инженер-технолог, иқтисодчи-ҳисобчи, ҳуқуқшунос.

Меҳнат фаолиятини 1984 йилда Термиз шаҳридаги 16-ғишт заводида смена устаси сифатида бошлаган. Сифат бўлими бошлиғи, бош муҳандис вазифаларида ишлаган. Кейинчалик бир неча йил мобайнида ушбу корхонага раҳбарлик қилди. 1991-2003 йилларда «Қурилишматериаллари» савдо уйининг Сурхондарё вилоят филиали раҳбари, «Сурхондарёўлгуржисавдо» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси вазифаларида ишлаган. 2003 йилдан «Сурхондарётаъминбутлаш» масъулияти чекланган жамият бошқаруви раиси.

Халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгаши депутати.

— Мамлакат тараққиётида малакали кадрлар, етук мутахассисларнинг ўрни беқим, — дейди у. — Шу боис замонавий таълим муассасалари қурилиб, ёшларнинг пухта билим олиши, касб-хунар ўрганиши учун қулай шароитлар яратилмоқда. Иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича самарали чора-тадбирлар кўриляпти.

Амалга оширилаётган бундай хайрли ишлардан мақсад фуқаролар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, фаровонлигини ошириш ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдан иборатдир. Шунга қарамадан мен ислохотларни янада чуқурлаштириш, таълим ва тиббиёт тизимини такомиллаштириш, меҳнатга ярқли ҳар бир инсонга, аввало ёшларга маълумоти, мутахассислигига мос ва ўз вақтида муносиб ҳақ тўланадиган иш билан таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларни кучайтириш лозим, деб ўйлайман.



Бундан ташқари, аҳолининг гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлиқроқ қондириш учун чорвачилик комплексларини кўпайтириш, маҳсулотларни жойларнинг ўзида қайта ишлаш ҳаракатини кучайтириш зарур. Бу ўз навбатида биз ҳимоя қилаётган қатлам манфаатлари учун муҳим бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини нархини арзонлашувига ҳам хизмат қилади. Агар, сайловчилар менга ишонч билдириб, депутатликка сайлалса, албатта шу каби муҳим масалаларга доир қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ташаббуси билан чиқаман ҳамда ўз таклифларим билан бу жараёнда фаол қатнашаман.

САФАР ЭГАМУРОДОВ

(71-Жарқўрғон сайлов округи)

1957 йилда Жарқўрғон туманида туғилган. Маълумоти — олий. 1987 йилда ҳозирги Термиз давлат университети тамамлаган.

Меҳнат фаолиятини Жарқўрғон туманидаги жамоа хўжалигида бошлаган. Бир неча йил тумандаги савдо таъминот ташкилотиде ишлаган. 1999 йилдан туман почта алоқа филиалида техника хавфсизлиги муҳандиси, алоқа бўлими бошлиғи, почта алоқа тармоғи бошлиғи, «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти Сурхондарё вилоят филиали директорининг биринчи ўринбосари лавозимларида ишлаган. 2008 йилдан филиал директори.

— Сайловолди режаларим асосан аҳолининг кам таъминланган қатлами фаро-

вонлигини таъминлаш масалаларига қаратилган, — дейди у. — Агар сайловчилар ишонч билдириб, депутат этиб сайлалсам, парламентдаги қонунчилик жараёнида партияимиз дастурий мақсадларини ҳисобга олган ҳолда иштирок этиб, электротариф манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган гоьларни дадил илгари сураман.

Қишлоқ аҳолиси турмуш тарзини яхши биламан. Коммунал хизматлар, электр энергия, табиий газ, иссиқ ва совуқ сув тўлов нархларини мақбуллаштириш зарурати вужудга келмоқда. Қонунчилик палатаси ялпи йиғилишлари кун тартибига айнан мазкур масалаларни қўйишимиз даркор.

Ёш оилаларнинг оёққа туриши, турар-жой сотиб олиши ёки яққа тартибда уй қуриши учун ҳукумат томо-



нидан белгиланган чора-тадбирлар ижроси тўла таъминланишини изчил назорат қилиш, айти чогда уларга қўмаклашиш масаласига тегишли идоралар эътиборини қаратиш зарур.

Хотин-қизларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш, улар меҳнатини муҳофиза қилиш ва ишсизликни бартараф этишнинг янги, замонавий, қулай йўллари ҳақида янада жиддий ўйлаб кўриш зарур, деб ҳисоблайман. Чунки одамларни иш билан таъминлаш, уларни ижтимоий ҳимоялашнинг муҳим шартидир.

НАМОЗ ПАРДАЕВ

(72-Қумқўрғон сайлов округи)



1959 йилда Денов туманида туғилган. Маълумоти — олий. Ҳозирги Тошкент ирригация ва мелiorация институти тамамлаган. Мутахассислиги — муҳандис-гидротехник.

Меҳнат фаолиятини 1981 йилда «Сурхонгидрострой» трестига қарашли «Боботог» МКЖДА техник-геодист вазифасидан бошлаган. Сўнг, режа ва техник бўлими бошлиғи лавозимиде ишлаган. 1984-1994 йилларда Денов туманидаги ёғ-экстракция заводи қурилиш бўлими муҳандиси, Сарийосиё туманидаги 23-сонли

қурилиш ташкилотлари бирлашган дирекцияси техник бўлими муҳандиси, режа-иқтисод бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи, иқтисодий масалалар бўйича директор ўринбосари сифатида меҳнат қилган. 2008 йилгача Денов дон маҳсулотлари корхонасида иқтисодчи, бош ҳисобчи ўринбосари, қурилиш-монтаж бошқармаси ҳисобчиси, «Тўпаланг сув омбори қурилиши ва ундан фойдаланиш» дирекциясида тўғон бўлими бошлиғи, бош муҳандис, «Тўпаланг-электростанция» шўъба корхонаси директори лавозимларида ишлаган. 2008 йилдан «Тўпаланг сув омбори қурилиши ва ундан фойдаланиш» дирекцияси директори.

Унинг қарийб ўттиз йиллик фаолиятида бунёдкорлик, яратувчанлик иши етакчи ўрин тутганини кўриш мумкин. Айниқса, мустақиллик йилларида ғайрат шижоат билан меҳнат қилган. Сурхондарё воҳасини овод этиш, иқтисодиётини мустаҳкамлаш, ирригация ҳамда мелiorация тизимини яхшилаш ишларига муносиб улус қўшган.

— Бугун мамлакатимиз энергетика соҳасини яхшилаш, халқимизга қулайликлар яратиш мақ-

садида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда, — дейди у. — Тизимни босқичма-босқич ислоҳ қилиш борасида махсус дастур ишлаб чиқилган. Бизнинг вазифамиз эса энергияни тежайдиган, кам харажат технологияларни ҳаётимизнинг барча жабҳаларига кенг жорий этишдан иборатдир.

Шунингдек, сув хўжалиги соҳасида ҳам ечимини кутаётган долзарб масалалар мавжуд. Уларни бартараф этиш учун мукамал қонунлар керак. Мамлакат равнақи, ривожланаётган жамиятимиз талабларидан келиб чиқиб, парламентнинг қонун ижодкорлиги салоҳиятини янада ошириш зарур. Бунинг учун парламентга халқ хўжалиги турли соҳаларининг ҳақиқий мутахассислари бўлган кишилар сайланиши керак.

Булар айти пайтда кўп болали, кам таъминланган оилалар фаровонлигини таъминлашга ҳам хизмат қилади. Пенсияонер, ногирон, боқувчисини йўқотганларнинг ижтимоий таъминоти янада яхшиланиши учун электр энергиясини тежаш, сарф-харажати камайтириш муҳим аҳамиятга эга. Сув хўжалиги аҳолини яхшилаш, ирригация тармоқларини реконструкция қилиш орқали аграр соҳа потенциалини янада юксалтириш зарур. Агар депутат этиб сайлансам, ана шу соҳалардаги қонунчиликни такомиллаштириш учун курашаман.

УЛУҒБЕК ЗОКИРОВ

(73-Шўрчи сайлов округи)

1974 йилда Термиз шаҳрида туғилган. Маълумоти олий. Термиз давлат университети ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети тамамлаган. Мутахассислиги — педидагог, молиячи.



Меҳнат фаолиятини 1993 йилда 3-вилоят шифохонасида техника хавфсизлиги муҳандиси сифатида бошлаган. ЎзХДП Термиз шаҳар кенгашида партия ташкилотчиси вазифасида ишлаган. 1997 йилдан «Асакабанк»нинг Сурхондарё вилоят филиали автоматлаштириш бўлими бош мутахассиси, кредит бўлими мутахассиси, бош мутахассис, кредит бўлими бошлиғи вазифаларида меҳнат қилган. 2007 йилдан филиал бошқарувчиси.

— Кейинги йилларда фуқаролар эркинлиги, Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган қўллаб-қўнгирлар қабул қилинди, — дейди у. — Аммо давр ҳаётимизнинг

турли жабҳаларини тартибга солишни такомиллаштиришга қаратилган янги-янги қонунлар яратишни тақозо этмоқда. Бу борада қонун чиқарувчи органдаги партияимиз фракцияси фаоллик кўрсатаётгани барчамизга маълум. Шу ўринда қабул қилинган қонунларнинг аксарияти партияимиз электротари, яъни аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами манфаатларига тўла мос келишини алоҳида таъкидлаш лозим. Эндиги муҳим вазифаларимиздан бири — улар-

нинг ҳаётимиздаги ижросини таъминлаш механизмларини такомиллаштиришдан иборат.

Жорий йил Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб аталгани муносабати билан қишлоқ жойларда мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилган саъй-ҳаракатлар бугун ўз самарасини бера бошлади. Айниқса, қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, аҳоли турмуш шароитини яхшилашга катта эътибор қаратилаётгани кўпчиликни мамнун этмоқда. Шунга қарамадан қишлоқларда маданий, маънавий ва савдо хизмати кўрсатишни замон талаби даражасига кўтариш учун ҳали кўп иш қилиниши лозим. Бу борадаги амалий ишларни аввало қонун йўли билан қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш керак бўлади.

Агар сайловчилар мени депутатликка лойиқ топишса, партиядошларим билан бирга, қонун чиқаришдек эзгу ишга ўз ҳиссамни қўшиб, мазкур йўналишдаги муаммоларнинг қонуний ечимини топишга астойдил ҳаракат қиламан. Зеро, депутатлик мартаба эмас, балки халққа хизмат қилишдир.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

АНВАР БОЙҚУЛОВ

(74-Денов сайлов округи)



1964 йилда Денов шаҳрида туғилган. Маълумоти — олий, мутахассислиги — қурувчи-муҳандис, сибсатшунос.

Меҳнат фаолиятини 1985 йилда Денов туманлараро механизациялашган кўча жамланмада гишт терувчиликдан бошлаган. Кейинчалик уста, иш юритувчи вазибаларида ишлаган. 1990-1995 йилларда 543-механизациялашган кўча жамланмада бош муҳандис лавозимда фаолият юритган. 1996-2001 йилларда Денов туман ҳокимининг ўринбосари вазифасида меҳнат қилган. 2001-2002 йилларда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси бўлган. 2002-2004 йилларда «Денов инженерлик қурилиш компанияси» масъулияти чекланган жамият бошқарув расми вазифасида ишлаган. 2005 йилдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Таъкидлаш жоизки, парламент қуёи палатасида қонунларни маромига етказиш, ЎзХДП фракцияси фаолиятини самарали ташкил этишда ўтган беш йил давомида унинг ҳиссаси катта бўлди. Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси аъзоси сифатида ҳам қонунчиликни такомиллаштириш, назорат-таҳлил ишларида фаол иштирок этди.

— Кўмитамиз бир неча қонун лойиҳаси устида иш олиб борди ва экспертлар ҳамда мутахассислар билан биргаликда бу лойиҳаларни меъёрига етказишда биргаликда ҳаракат қилдик, — дейди у. — Ўтган даврда қонунчилик палатасида муҳокама этилаётган деярли барча қонунлар лойиҳаларига тақлифлар киритдим. Шулардан Шаҳарсозлик кодексига, Солиқ маслаҳати тўғрисидаги қонун лойиҳасига, Қимматли қозғолар

бозори тўғрисидаги ва бошқа қатор қонун лойиҳаларига берган тақлифларим қабул қилинди.

Қонунчилик палатаси муҳокамасига «Реклама тўғрисида»ги Қонуннинг 16-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини маърузачи сифатида олиб чиқдим. Мазкур Қонун билан Ижтимоий реклама сифатидаги ахборотни оммага кенг тарқатиш зарурлигини эътиборга олиб, фаолияти қандай молиявий таъминланганидан қатъи назар барча реклама тарқатувчиларга маълум миқдордаги ижтимоий рекламаларни текинга жойлаштириш қонуний норма сифатида белгилаб қўйилди.

Сайловчиларнинг мурожаатлари асосида айрим масалаларда давлат ҳокимияти органларига депутатлик сўрови юборишга, уларнинг эътиборини сайловчилар кўяётган масалага қаратишга тўғри келди. Натихада Денов туманининг тўртта маҳалласини табиий газ билан таъминлаш мақсадида 12 км. юқори босимли газ қувури, «Тасмасой» маҳалласи марказини узлуксиз ва сифатли электр энергияси билан таъминлаш учун икки километр янги электр тармоғи тортилди.

Агар депутатликка яна сайлансам, партия электорати манфатлари жамоясини кучайтириш борасида янги тақлифларни илгари сурмоқчиман.

ДИЛДОРА
ШАРОФУТДИНОВА

(75-Сариосиё сайлов округи)



1963 йилда Сариосиё туманида туғилган. Маълумоти — олий. Самарқанд давлат университетини тамомлаган. Мутахассислиги — ҳуқуқшунос.

Меҳнат фаолиятини 1986 йилда Сурхондарё вилоят прокуратурасида катта назоратчиликдан бошлаган. 1987-1990 йилларда Термиз шаҳар прокурори ёрдамчиси, Денов шаҳар прокурори ёрдамчиси бўлиб ишлаган. 1990 йилдан 2004 йилга қадар Сариосиё туман суди судьяси, ФХДБ бўлими мудири, туман ҳокимлиги Оила, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш қотибияти бошлиғи лавозимларида ишлаган. 2004 йилдан Сариосиё туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси.

Сариосиё мамлакатимизнинг чекка туманларидан бири. Айни

кунда бу ерда 163 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Унинг ярмидан ортиғи хотин-қизлар. Аёлларнинг жамиятда тутган ўрнини янада мустаҳкамлаш, эркин меҳнат қилиши, фаолият юритиши учун қўлай шароитлар яратиш масалалари унинг фаолиятида ҳар доим устувор аҳамиятга эга бўлган. Унинг фикрича, қишлоқ қизларини касб-хунарга йўналтириш, улар учун янги иш ўринлари яратиш-

га янада жиддий эътибор қаратиш лозим. Қишлоқ хотин-қизлари ва бандлик масаласини чуқур ўрганиб, алоҳида тақлифлар ишлаб чиқиш зарур.

— Жамият ривожига оила асосий ўрин тутди, — дейди депутатликка номзод. — Менин бутун фаолиятим ҳуқуқ соҳаси, оила, аёл масалалари билан бевосита боғлиқ. Тўплаган тажрибамдан келиб чиқиб, оила ва аёл ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояси бўйича қонунчиликни кўшимчалар киритмоқчиман.

Аёллар соғлигини асраш, хотин-қизлар ўртасида тиббий маданиятни шакллантириш соғлом авлодни вояга етказишнинг асосий шартларидан бири. Қолаверса, фарзанд тарбиясида оила тотувлиги, ота-она аҳдлиги асосий ўрин тутди.

Ҳукуматимиз томонидан ногирон, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу қатлам вакилларининг меҳнат, яшаш шароитларини янада яхшилаш масаласи партиямиз дастуридан алоҳида ўрин олган. Шундай экан, уларни амалга ошириш биз учун ҳар доим устувор вазифа бўлиб қолаверди.

АЛИШЕР СОДИҚОВ

(76-Узун сайлов округи)



1963 йилда Сариосиё туманида туғилган. Маълумоти — олий. Тошкент политехника институтини тамомлаган. Мутахассислиги — қурувчи-муҳандис.

Меҳнат фаолиятини 1988 йилда давлат хўжалигида муҳандисликдан бошлаган. Кейин агроном-реализатор вазифасида ишлаган. 1995-2001 йилларда Сариосиёдаги деҳқончилик саноати фирмасида бош муҳандис, савдо ишлари бўйича раис ўринбосари бўлган. 2001-2006 йилларда ширкат хўжалигида фаолият кўрсатган. 2006 йилдан тумандаги «Али Мир Содиқ Музаффар» фермер хўжалиги бошлиғи.

— Мустақилликдан кейин ўтган қисқа фурсатда талай қонунлар ҳаётга татбиқ этилди, — дейди у. — Натихада турмушимиз фаровонлиги, халқимиз дастурхони тўқинлиги ошмоқ-

да. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида иқтисодий инқироз кузатилаётган пайтда Ўзбекистон дадил қадамлар билан одимлаётгани кишини гурулантиради. Жамият ривожини юрт тараққиёти учун мамлакатда қонун устуворлиги муҳим. Қонунларда инсон тақдири, мамлакат келажиги борасидаги вазифалар акс этади. Бу борда эришилган ютуқлар кўп, аммо ечимини кутаётган масалалар ҳам йўқ эмас.

Бугун айрим қишлоқ ҳудудларида коммунал хизмат ва ижтимоий масалаларда бир қанча муаммолар бор. Айрим тоғли ҳудудларимизда газ, тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида янада эътиборли бўлиш талаб этилади. Барқарор ривожланишда ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам вакилларини қўллаб-қувватлаш ЎзХДП Дастурида белгиланган асосий вазифалардан. Ана шундан келиб чиқиб, депутат

бўлиб сайлансам, аҳолининг бу қатламга моддий-маънавий кўмак бериш, қўллаб-қувватлаш, жамиятда ўз ўрнини топишда ёрдамлаштириш соҳасининг ҳуқуқий базасини янада мустаҳкамлашда фаол иштирок этишни режалаштирганман.

Бугун мамлакатимизда энг муҳим масалалардан бири — аҳолини иш билан таъминлаш экани барчага маълум. Янги иш ўринлари яратиш ўз-ўзидан бўлмайдиган, албатта. Шунинг учун ҳам қонунчилик воситасида янги иш ўринлари барпо этиш учун имтиёзлар бериш, янги иш жойи яратиш борасидаги ташаббусларни рағбатлантириш зарур, деб ҳисоблайман.

ХОЛМАТЖОН
БОЙМАТОВ

(90-Бешариқ сайлов округи)



1966 йилда Бешариқ туманида туғилган. Маълумоти — олий. Тошкент халқ хўжалиги институтини (Ҳозирги ТДИУ)ни тамомлаган. Мутахассислиги — ҳисобчи-иқтисодчи.

Меҳнат фаолиятини Бешариқ туман Марказий шифохонада ҳисобчиликдан бошлаган. 1993 йилдан Бешариқ туман молия бўлими мудири ўринбосари, бюджет инспекцияси бошлиғи вазифасида ишлади. 2000 йилдан молия бўлими мудири.

— Ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларга уй-жой қуриш учун имтиёзли кредитлар берилиши, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг меҳнат билан бандлигини таъминлаш, уларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, маҳаллий ҳокимликлар, ташкилот ва муассасалар томонидан фуқароларнинг қонуний талаб

ва арзномалари бажарилишига эришиш бўйича, ташаббус кўрсатиш биринчи галдаги вазифам, — дейди у. — Маълумки, мамлакатимиз иқтисодий-тири ривожлантирадиган, халқимиз маънавиятини янада юксалтирадиган, кам таъминланган фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасига қаратилган муҳим фармон-қарорлар қабул қилинган. Бу қонуний ҳужжатлар ҳамма жойда жавобгарлик ҳисси билан бажариляпти, деб бўлмайдиган. Чунки қонун ва меъёрий ҳужжатлар ижроси бўйича жамоатчилик назорати тавсия характерига эга. Агар депутат бўлсам, қонунлар, қарорлар ижроси юзасидан тегишли органлар масъулиятини қўчайтиришга қаратилган ўзгартириш киритиш ташаббуси билан чиқмоқчиман. Шунда эзгу гоё ва юксак режа асосида қабул қилинган фармон-қарорлар ва бошқа қонуний ҳужжатлар жойларда тўла ба-

жарилишига эришиш.

Бизнинг шароитимизда қишлоққа саноатни олиб кириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг фан, техника, маданият ва санъат ютуқларидан баҳраманд бўлишига эришиш, хуллас, қишлоқлар инфратузилмасини ривожлантириш орқали аҳоли турмуш даражасини юксалтириш долзарб аҳамиятга эга. Бу ишлар ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билангина самарали амалга оширилади. Агар депутат бўлсам, айниқса, қишлоқ аҳолиси фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган қонунлар ишлаб чиқишига ҳиссамни қўшаман.

ДАВЛАТАЛИ
ТОШМАТОВ

(91-Данғара сайлов округи)



1957 йилда Данғара туманида туғилган. Маълумоти — олий. Ҳозирги Тошкент ахборот технологиялари университетини тамомлаган. Мутахассислиги — кўп каналли электр алоқа муҳандиси.

Меҳнат фаолиятини 1981 йилда Кўкон алоқа корхонасида уста сифатида бошлаган, иш юритувчи бўлиб ишлаган. 1984-1987 йилларда Наманган алоқа

кўчма механизациялашган колоннасида иш юритувчи ва бўлим бошлиғи, 1988-1999 йилларда Фарғона алоқа кўчма механизациялашган колоннаси бошлиғи, 1999-2004 йилларда «Фаргонателеком» акциядорлик жамияти директори лавозимда ишлаган. 2004 йилдан Фарғона алоқа кўчма механизациялашган колоннаси бошлиғи.

Давлатали Тошматов халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашида ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари сифатида сиёсий жиҳатдан етуқлиги, ташаббускорлиги, янгиликка интилувчанлиги, халқ ишига қўнчаллиги билан кўпчилик хурматини қозонди.

Ўзи оддий деҳқон оиласида туғилиб вояга етгани учун ҳалол меҳнат билан яшаш, қишлоқ жойларда турмуш даражасини юксалтириш, айниқса, ёшларга иш ўринлари яратиш бўйича жўяли тақлифлар киритиш борбариди бу борда амалий ишлари билан ўрнатқ бўлиб келяпти.

— Биз нима учун ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тарафдоримиз? — дейди у. — Ҳар гал қишлоқ аҳли билан учрашганимда ҳали улар орасида кам таъминланган, вақтинча ишсиз, ногирон, касб-хунарсиз, тадбиркорлик қобилиятига эга бўлмаганларни кўраман. Биз бозор иқтисодиётга ўтиш шароитида ана шу қатлам манфаатлари албатта инobatга олиниши учун курашмоқдамиз. Шунинг учун булажак сайловларда ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам манфаатлари учун курашаётган ЎзХДП ғояларини сайловчиларга бор овозимиз билан айтишимиз лозим.

Депутат — қонун ижодкори. Шу биргина ваколат нафақат сайловчилар, балки бутун халқ ҳаётини янада фаровонлаштиришга ҳисса қўшиш имконини беради. Ахборот олиш ва тарқатиш услублари глобаллашган бугунги шароитда энг замонавий технология ҳар бир мактабга, жумладан, энг чет қишлоқ мактабига кириб боришини меъёрловчи қонун керак деб ўйлайман. Чунки, шаҳар билан қишлоқ ёшларининг интеллектуал ривожланиш шароитларида фарқ бўлмаслиги керак. Агар, депутат бўлсам, ана шу масалаларга доир қонун ишлаб чиқишига ҳиссамни қўшаман.

ЖЎРАҚЎЗИ
ҚЎЛДОШЕВ

(92-Яйпан сайлов округи)



1952 йилда Учкўприк туманида туғилган. Маълумоти — олий. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институтини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини Катта Фарғона каналда сув ёқаловчи, алоқа инженери сифатида бошлаган. Сўнг қурилиш инженери, сув қисми бошлиғи, бўлим бошлиғи, бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари вазифаларида ишлади. 2007 йилдан бошқарма бошлиғи вазифасида меҳнат қилмоқда.

— Аҳолини иш билан таъминлаш учун қўшимча иш ўринларини яратиш, суғо-

риландиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, янги оила қурган ёшларга уй-жой учун ер-жой ҳамда имтиёзли кредит ажратиш тизимини такомиллаштириш керак, — дейди у. — Тўғри, таълим соҳасида улкан ислохотлар амалга оши-

риляпти. Лекин бу ислохотларни янада жадаллаштириш учун халқ таълими ва олий ўрта махсус таълим ўқитувчилари меҳнати натижаларига қараб, уларни қўшимча рағбатлантириш, ёшлар таълим-тарбияси учун жавобгарлик масъулиятини ошириш бўйича қонунчиликка қўшимчалар киритиш лозим, деб ҳисоблайман.

Агар депутат бўлсам, ваколатимдан фойдаланиб, энергетика ва ирригация тизимини янада такомиллаштириш юзасидан тақлиф билан чиқмоқчиман.

Яна бир масала: мамлакатимиздаги мавжуд сув ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланишга эришиш, унинг беҳуда сарф қилинишининг олдини олиш, шундай ҳолат аниқланганда, қонунбузарларга нисбатан таъсир чоралари кўрилиши керак. Шу боис амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимча киритиш талаб этилади. Бу борда ҳам тақлифларим бор.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

РАҲИМЖОН СИРОЖИДДИНОВ (93-Қўқон сайлов округи)



1953 йилда Қўқон шаҳрида туғилган. Маълумоти — олий. Тошкент темир йўл муҳандислари институтини тамомлаган. Мутахассислиги — инженер.

Меҳнат фаолиятини 1970 йилда Қўқон темир йўл станциясида бошлаган. Навбатчи, юк тушириш ва юклаш хизмати ҳамда

йўловчи ташиш бўлими бошлиғи, Кснбодом, Ленинобод станциялари бошлиғи вазифаларида ишлаган. 1998-2008 йилларда Қўқон шаҳар меҳнат бўлими бошлиғи вазифасида ишлаган. 2009 йилдан Қўқон темир йўл узели электр бўлимининг бошлиғи.

— Қўқон шаҳрида ҳам илгари хусусийлаштирилган бир қанча ишлаб чиқариш корхоналари ишламапти ёки кам қувват билан фаолият кўрсатаёпти, — дейди у. — Шундай экан, ушбу соҳада амалдаги қонунларни такомиллаштириш ҳаётий заруратдир. Агар депутат бўлсам албатта қонунчиликка хусусийлашган ишлаб чиқариш корхоналари-

да иш ўринлари сабабсиз камайитиришига қарши меъёр киритишни таклиф қилмоқчиман.

Қонун лойиҳалари ҳаётий бўлсагина қўллаб-қувватланади, пишиқ-пухта ва узоқ вақт самарали ишлайдиган бўлади. Ҳар бир фуқаро фаровон ажратиётган микроларомад олишига эришиш борасида меъёрий ҳужжатларнинг ислоҳ қилиниши тарафдориман. Жумладан, миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш қўшимча даромад манбаидир. Бунинг учун ажратиётган микрокредитларнинг устама фойдаси юқори бўлмаслиги микрокредит олиш тартиби соддалаштирилиши керак. Бу касаначиликни ҳам ривожлантиради, бозор маҳсулотига тўлади, ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобат пайдо бўлади, нарх-наво пасаяди. Бу борадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

АЛИШЕР ИБОДИНОВ (94-Бағдод сайлов округи)



1953 йилда Олтиариқ туманида туғилган. 1972-75 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. 1975-1980 йилларда ҳозирги ЎзМУнинг журналистика факультетини таъсис олган.

Журналистик фаолиятини «Фарғона ҳақиқати» газетасида бошлади. 1986 йилдан «Ўзбекистон овози» газетасининг Фарғона вилояти бўйича муҳбири бўлиб ишлади. Шу орада туман «Давр овози», вилоят «Адолат йўли» газеталари бош муҳаррири лавозимида меҳнат қилди. 2008 йилдан «Фарғона ҳақиқати» вилоят газетаси бош муҳаррири.

Унинг қаламига мансуб публицистик, таҳлилий-танқидий мақолалар республикамизнинг марказий нашрларида мунтазам эълон қилиб келинади. Шунга айтиш керакки, у ёзуви сифатида ҳам кенг танилган. Истеъдодли ёзувчининг «Гулсар хиди», «Оқ-оппоқ булутлар», «Деразангни чертган


да ёмғиру шамол...», «Соҳил яқин-яқин...», «Латофат дўқонидаги қатл» номли асарлари кенг китобхонлар оммаси эътиборига сазовор бўлган.

— Сайловчилар ишончини қозониб, сайловда ютсам, депутатлик ваколатимдан фойдаланиб, партиямиз электорати манфаатини ҳимоя қиламан, — дейди депутатликка номзод. — Масалан, аҳолини сифатли

тиббий хизматдан фойдаланиши учун имкониятларни кенгайтириш, кам таъминланган оилалар, ногиронлар, ёлғиз кексаларнинг яшаш, ишлаш шароитларини янада яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида таклифларим бор. Айниқса, қишлоқ хотин-қизлари, ёшлари муаммолари менга кўпроқ таниш. Уларни доимий иш билан таъминлаш, турмуш фаровонлигини ошириш каби масалаларни қонунчилигимизда янада мустаҳкамлашни учун ҳаракат қилиш, изланиш бош мақсадимдир.

Тиббиёт ходимлари, ўқитувчилар меҳнатини янада қадрлаш, уларга берилган имтиёزلарни кенгайтиришнинг қонуний асосларини яратиш зарур деб ҳисоблайман.

ОРТИҚБОЙ ҲАСАНОВ (95-Риштон сайлов округи)



1958 йилда Риштон туманида туғилган. Маълумоти — олий. Фарғона давлат университетини тамомлаган. Мутахассислиги — иқтисодчи.

Меҳнат фаолиятини 1976 йилда Ёзёвон туманидаги қишлоқ хўжалик техникумида ҳисобчиликдан бошлаган. 1979-1982 йилларда Риштон туманидаги хўжаликда қурилиш бўлими бош ҳисобчиси, 1982-1991 йилларда Қашқадарё вилояти Нишон тумани йўл қурилиш корхонаси бош ҳисобчиси, сугурта инспекцияси инспектори, инспекция раҳбари, 1991-2009 йилларда Фарғона вилоятидаги турли қурилиш ташкилотларида бош ҳисобчи бўлиб ишлаган. 2009 йилдан «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси бош ҳисобчиси.

— Электорат манфаатларини ҳимоя этишни бош вазифам, деб ҳисоблайман, — деди у. — Оиласини боқиб учун иш ва барқарор даромад манбаига эга бўлмаган аҳолини, ишга жойлашишда қийинчиликларга учраётган, тегишли ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож ёшларни, олаётган нафақа ва ижтимоий нафақалари турмуш кечириши учун етарли бўлмаган пенсиялар, ногирон, кўп болали оилалардаги аёллар ва бошқа заиф қатламлар манфаатини ҳимоя қилиш қонунчилик фаолиятимнинг асосий йўналиши бўлиб қолди.

Қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш, ижтимоий ва коммунал инфратузилмаларини ривожлантириш долзарб вазифа, деб ўйлайман ва бу ишларни эртага қўймасдан амалга ошириш зарур.

Номзодим кўрсатилган сайлов округи Сўх туманини ҳам ўз ичига олади. Бугун Сўхда ҳам бир талай муаммолар ечимини кутмоқда. Туман дотацияда, бунинг сабаби саноат, хорижий инвестицияга асосланган ишлаб чиқариш корхоналари йўқлигида. Шунинг учун ҳудудда ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани жадал ривожлантириш талаб этилмоқда. Партия электорати бўлган аҳолининг турмуш шароити ва фаровонлиги бир жиҳатдан ана шу каби масалалар нечоғли ижобий ечим топишига ҳам боғлиқ.

ҚАҲҲОР ИБРАГИМОВ (96-Олтиариқ сайлов округи)



1957 йилда Олтиариқ туманида туғилган. Маълумоти — олий. Тошкент автомобиль йўллар институтини тамомлаган. Мутахассислиги — механик-муҳандис.

Меҳнат фаолиятини йўл таъмирлаш корхонасида оддий механик сифатида бошлаган. 1979-1983 йилларда туман йўл қурилиш бошқармаси чилангар меҳнатига, 1983 йилдан 2005 йилгача ёғочни қайта ишлаш корхонаси раҳбари, Минерал сув кўйиш корхонаси директори, «Шоҳимардонсой» масъулияти чекланган жамияти раҳбари лавозимларида ишлади. 2005 йилдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Парламентдаги беш йиллик фаолияти давомида Ўзбекистон ХДПни сайланган депутатлар қонун ижодкорлиги соҳасида жуда катта тажриба тўплади. Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология кўмитаси аъзоси сифатида Қаҳҳор Ибрагимов ҳам қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиб, фракциямиз аъзоси


Улғубек Вафоев билан биргаликда «Ветеринария тўғрисида»ги ва «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида ўзгартиш киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаларини тайёрлади ва мазкур Қонун муҳокамалардан ўтиб, 2008 йил 17 апрелда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинди.

— Депутатлик фаолиятимда сайловчилар билан ишлаш масаласи мен учун ҳар доим устувор вазифалардан бири бўлди, — дейди у. — Олтиариқ сайлов округи бўйича сайловчилар билан юздан ортиқ учрашувлар ташкил этиб, улар кўтарган масалалар, асосан ёш болаларга берилмаган нафақалар, касб-ҳунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаш каби қатор масалалар бўйича тушунтириш ишларини олиб бордим. Учрашувларда ва сайловчилар қабули чоғида кўтарилган масалалар юзасидан 26 марта ижрога ҳокимият органлари, тегишли идоралар, ташкилотлар раҳбарларига ёзма мурожаат қилишга тўғри келди. Натижада қўйилган муаммоларнинг барчаси ижобий ҳал қилинди. Жумладан, «2004-

2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумий миллий Дастури»га кирмай қолган айрим мактабларни реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш юзасидан тушган аризалар бўйича Халқ таълим вазирлигига қилинган мурожаатлар натижасида кўтарилган масалалар ўз ечимини топди.

Депутатлик фаолиятимда ортирган тажрибамга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, янги муҳлатга сайлансам, ижтимоий муҳофазага муҳтож, кам таъминланган кишилар манфаатларини ҳисобга олиб, «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Таълим тўғрисида», «Ўрмон хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ер кодексида ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифларим бор.

МАДАМИН МУҲИДДИНОВ (97-Охунбобоев сайлов округи)



1950 йилда Олтиариқ туманида туғилган. Маълумоти олий. Тошкент Халқ хўжалиги институтини (ҳозирги ТДИУ) тамомлаган. Мутахассислиги — иқтисодчи.

1971-1979 йилларда Олтиариқ тумани «Матлубот» жамияти оғир мудирини, раис ўринбосарини вазифаларида ишлаган. Шундан сўнг «Файзобод»

матлубот жамияти раҳбари, «Баҳор» савдо маркази директори, «Олтиариқ» ҳиссдорлик жамияти раиси ўринбосари, матлубот савдо акциядорлик жамиятлари бирлашмаси бошқаруви раиси лавозимида меҳнат қилган. 1999 йилдан «Ишонч» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси.

Халқ депутатлари Олтиариқ туман Кенгаши депутати. — Партия электоратини ҳимоялашни кучайтириш, пенсионерлар, ногиронлар, қаровсиз кексалар учун бепул тиббий хизмат ва таълим кафолатларини таъминловчи қонунларни такомиллаштириш зарур, — дейди у. — Зеро таълим ва тиббий хизматдан барча тенг даражада фойдаланиш имкониятига эга бўлмоғи лозим.

Номзодим кўрсатилган сайлов округида ёшларни иш билан таъминлаш масаласи-

да ҳам баъзи муаммолар бор. Туман маркази шаҳар сифатида шаклланмагани эса аҳолига ноқулайликлар туғдирмоқда. Коллеж битирувчиларининг бир қисми мутахассислиги бўйича иш излаб қўшни туман ёки шаҳарларга боришга мажбур бўлаёпти. Бу эса сайланажак депутатдан Давлат дастурини ишлаб чиқишда ўз таклифларини киритиб, масалани ҳал қилишга ҳисса қўшишни талаб этади.

Маълумки Фарғона, жумладан, Охунбобоев туманида ҳам катта-катта бог-роғлар мавжуд. Статистик маълумотларга қараганда, ҳозир етиштирилаётган мева-сабзавотнинг атиги 7 фоизи шу ернинг ўзиде қайта ишланади. Уни экспорт қилишда ҳам бирмунча муаммолар мавжуд. Туманларда мевани қайта ишловчи кичик саноат корхоналарини ташкил этиш, богдорчилик маҳсулотларини экспорт қилишда қулайлик яратадиган меъёрий ҳужжатлар, қонунларга экспортни рағбатлантирадиган ўзгартишлар киритишни таклиф қилмоқчиман.

МАШРАБЖОН ҲАКИҚОВ

(98-Марғилон сайлов округи)



1956 йилда Марғилон шаҳрида туғилган. Маълумоти олий. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)ни битирган. Мутахассислиги — ҳуқуқшунос.

Меҳнат фаолиятини 1975 йилда Марғилон шаҳар озиқ-овқат савдо идорасида ҳисобчи сифатида бошлаган. Катта ҳисобчи, бўлим бошлиғи лавозимларида ишлаган. 1992-1994 йилларда Давлат Назорат

кўмитаси Фарғона шаҳар инспекциясида бош мутахассис, 1994-1995 йилларда Марғилон шаҳар Назорат инспекциясида мутахассис, Қирғули туман Назорат инспекцияси бошлиғи — Қирғули туман ҳокими ўринбосари, 1995-1996 йилларда Фарғона вилоят ҳокимлигида етакчи мутахассис, 1996-2000 йилларда Фарғона вилояти ҳокимлиги аппарати Назорат инспекциясида бош мутахассис, 2000-2006 йилларда вилоят Иқтисодиёт бош бошқармасида котибият мудирини, 2006-2008 йилларда вилоят ҳокимиятида котибият мудирини вазифаларида ишлаган. 2008 йилдан Иқтисодиёт бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

Халқ депутатлари Марғилон шаҳар Кенгаши депутати.

— Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати бўлиш бу олий бахт ва шу билан бирга катта масъулият, — дейди номзод. — Агар депутат бўлиб сайлансам, биринчи навбат-

да мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунларнинг партия электорати турмуш шароитини яхшилашга, мамлакат фаровонлиги ва аҳолининг кам даромадли қисми манфаатлари ҳисобга олинишини ўртага ташламоқчиман.

Аёл меҳнатини қадрлаш ва уни рағбатлантиришни кучайтириш, ёш болали оилаларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кучайтириш масалалари кўриб чиқишида ташаббус кўрсатишни мақсад қилганман. Бундан ташқари, иш берувчи билан ишловчи ўртасидаги муносабатлар амалдаги қонунлар асосида олиб борилишини таъминлаш, мамлакатда аҳолига маънавий хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантириш масалалари билан депутатлик ваколати доирасида шугullanмоқчиман.

Ҳозирда фаолият кўрсатаётган корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, кичик ҳажмдаги бир қатор саноат ва халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ташкил этиш йўли билан ишсизлар сонини камайтириш орқали аҳоли турмуш даражасини яхшилаш борасида таклифларни илгари сурмоқчиман.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

АДҲАМ АҲМЕДОВ

(99-Фарғона сайлов округи)



1975 йилда Тошлоқ туманида туғилган. Маълумоти олий. 1998 йилда Фарғона политехника институтини тамомлаган. Мутахассислиги — иқтисодчи.

Меҳнат фаолиятини политехника институтини ўқитувчиликдан бошлаган. Ҳарбий хизматни ўтаб қайтгач, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона вилоят

кенгашида мутахассис, 2002-2006 йилларда ҳаракатнинг Тошлоқ туман Кенгаши раиси лавозимларида ишлади.

2006 йилдан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона вилоят Кенгаши раиси.

«Дўстлик» ордени билан мукофотланган.

— Ўзбекистон мустақилликка эришгач, мамлакатимизда ёшларнинг билим олиши, касб-ҳунарли бўлиши учун чексиз имкониятлар яратилди, — дейди у. — Уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини мустақамлайдиган қонунлар қабул қилинди. Ёшларга оид амалдаги қонунларга айрим ўзгариш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларим бор. Ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунларни янада такомиллаштириш зарур деган фикрдан. Унда ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш, Ипотека кредити шартлари-

ни энди катта ҳаётга қадам босган, оиласининг моддий базасини мустақамлашга интилаётган ёшларнинг имкониятларига мослаштириш керак.

Фарғона водийси аҳолиси зич ҳудуд. Шу боис, бу регионда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида уй меҳнати — касаначиликни янада кенгроқ ривожлантириш талаб этилади. Бунда фақат йирик ишлаб чиқариш корхоналари эмас, кичик бизнес вакиллари ҳам четда турмаслиги керак. Ҳар бир иш берувчи умумий иш ўринлари, касб-ҳунарли маълум фондда касаначиликка ўрин берилишини меъёрлаштириши лозим. Шундай йўл билан кам таъминланган, вақтинча ишсиз аҳоли қатламининг турмуш даражасини оширишга эришиш мумкин бўлади.

Вақтинча ишсизлик нафақат ижтимоий ҳолат, балки ахлоқий жараён ҳамдир. Бундай тоифа одамларда боқимандалик кайфиятини йўқотиш, ижтимоий фаоллигини ошириш муаммо ечимининг иккинчи томонидир.

БАРНОХОН ИСМОИЛОВА

(100-Водил сайлов округи)



1966 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Маълумоти — олий. 1989 йилда Тошкент тиббиёт педиатрия институтини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1991 йилда Фарғона вилоят болалар шифохонасида бошлади. 1994 йилдан Фарғона тиббиёт билим юрти ўқитувчиси, 1996-2000 йилларда Фарғона доришунос ва ўрта тиббиёт ходимлари малакасини ошириш муассасаси раҳбарининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, 2000-2006 йилларда 2-Фарғона тиббиёт коллежи директори лавозимларида фаолият кўрсатди. 2006 йилдан 2-сон Марғилон тиббиёт коллежи директори. Тиббиёт фанлари номзоди.

— Ватан тараққиёти, халқ фаровонлигини ҳаётини яна-

да юксалтиришда ўз ҳиссасини қўшиш, ўз дастурини таклиф этиш сиёсий партиянинг энг асосий вазифаси, деб ўйлайман, — дейди у. — Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг мақсад-вазифалари, дастурлари менинг қарашларим ва фикрларим билан ҳамроҳандир.

Агар депутатликка сайлансам, ўз сайловчиларим-


нинг менга бўлган ишончини оқлаб, бор билим ва имкониятимни юртимнинг янада раванқ топиши учун астойдил ҳаракат қиламан. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиб, соғлом авлод, баркамол авлод тарбияси бўйича таклифларимни ҳаётга татбиқ этмоқчиман.

Фарзанд тарбиясида оналар жавобгарлиги, масъулиятини кучайтириш масаласи қонунда ўз ифодасини топиши зарурлиги ҳақида ҳам таклифларим бор.

Фарғона тумани тоғли ҳудудда жойлашгани, аҳоли зичлиги туфайли ҳудудда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ишчи ўринларини кўпайтиришга эҳтиёж катта. Шунинг билан олиб, чет эл сармоялари ҳисобига қўша ёки кичик корхоналар куришни йўлга қўйиш, водийнинг энг гўзал ва сўлим, тоғли жойи бўлган Шоҳимардонда экотуризмни ривожлантириш борасида кўп фикрларим бор. Уларни тегишли қонун ҳужжатларида акс эттириш, давлат дастурларига киритишга ҳаракат қиламан.

РАУФ УМАРОВ

(101-Тошлоқ сайлов округи)



1951 йилда Охунбобоев туманида туғилган. Маълумоти — олий. Мутахассислиги — шифокор. Андижон давлат тиббиёт институтини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1981 йилда Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи шифохонасида врач-невропатологикдан бошлаган. Марғилон ипакчилар комбинати поликлиникасида врач, 1985-2000 йилларда Тиббий меҳнат экспертиза комиссияси раиси, бош эксперт вазифаларида ишлаган. 2000 йилдан «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси шифохонасида врач-невропатолог сифатида фаолият кўрсатган. 2005 йилдан Фарғона шаҳар тиббиёт коллежида ёшларга сабоқ бермоқда.

— Шифокор бўлганим сабабли, аввало, соғлиқни сақлаш ва таълимга оид қонунчиликни янада кучайтиришга аҳамият бермоқчиман, —

дейди у. — Мактаб ва касб-ҳунар коллежларида барча шарт-шароитлар яратилди. Бунга мутаносиб равишда, таълим-тарбия сифатини ҳам такомиллаштириб бориш, ўқитувчиларнинг ижтимоий ҳимояси, уларнинг жамиятдаги мавқеини янада оширишга хизмат қилувчи қонунлар яратилиши зарур.

Мамлакатимизда аҳолининг репродуктив саломатлигини сақлаш, ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламни давлат томонидан қафолатланган, сифатли, бепул тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш борасида таклифларим бор.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг муҳим йўналишларидан бири кишиларни иш билан таъминлаш экани маълум. Шу сабабли ўқув даргоҳларини, ҳарбий хизматни тугатган ёшларни, шунингдек, имконияти чекланган, аммо иш қобилиятига эга ногиронларнинг бандлигини

таъминлашни қонун билан қафолатлаш зарур, деб ҳисоблайман.

Республикамизда икки палатали парламент тизими жорий этилгач қонунларимиз пишик, мукамал яратилмоқда. Аммо унинг ижроси баъзи ҳолларда суз. Шу сабабли маҳаллий Кенгашлар депутатларининг бу ишга масъуллигини қонун йўли билан белгилаб бериш лозим. Қишлоқдаги ёшларни бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари, спорт билан шуғулланишлари учун айрим жойларда шароит етарли эмас. Сайловчилар менга ишонч билдиришса, бу борадаги муаммолар ечими ҳам диққат-этиборимда бўлади.

МАСТУРАХОН САЙФИТДИНОВА

(102-Қува сайлов округи)



1957 йилда Қува туманида туғилган. Маълумоти — олий. Ҳозирги Тошкент аграр университетини тамомлаган. Мутахассислиги — ҳисобчи-иқтисодчи.

Меҳнат фаолиятини 1974 йилда ширкат хўжалиги автотранспорт бўлигидан бошлаган. Савдо идорасида сотувчи, давлат хўжалиги ишчиси, бригада бошлиғи бўлиб ишлаган. 1993 йилга қадар давлат хўжалиги директори, 2006 йилга қадар ихтисослашган ширкат хўжалиги бошқаруви раиси вазифасида ишлади. 2006 йилдан ихтисослашган «Қува анори» агрофирмаси раҳбари.

— Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналарнинг ҳуқуқий, сиёсий билимларини ошириш, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини

янада мустақамлаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратмоқчиман, — дейди у. — Мақсадим хотин-қизларнинг иш билан бандлигини тўлиқ таъминлаш, аграр соҳада иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга ҳисса қўшишдир. Қишлоқда етиштирилган мева ва полиз маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасини янада ривожлантириш зарур, деб ҳисоблайман. Сафдошларим билан биргаликда, ушбу соҳада электрорат манфаатларидан келиб чиқиб, қонунлар қабул қилишда фаол иштирок этаман. Амалдаги қонунларга ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ифодаловчи моддалар киритилиши лозим деб ўйлайман. Хусусан, соғлом

оила ва соғлом бола дастурини амалга ошириш, вояга етмаган қизларнинг никоҳдан ўтиши, оила қуришни қатъиян тақиқлаш зарур. Ҳомиладор аёллар орасида камқонлик ва ногирон фарзанд туғилиши ҳолатлари айнан вояга етмай оила қурганлар орасида кўпроқ учраётганини ушбу соҳадаги қонунчиликни янада кучайтиришни талаб этмоқда. Бу борада жамоатчилик, хусусан, маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар кўмиталари ва бошқа давлат ҳамда жамоат ташкилотлари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклаш зарур.

ҲАБИБАХОН ТОШМАТОВА

(103-Бувайда сайлов округи)



1947 йилда Учкўприк туманида туғилган. Маълумоти — олий. Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтини тамомлаган. Биология фанлари номзоди.

Аспирантурани тугатганидан сўнг, Бувайда туманида ҳайвонот шифохонаси бош врач бўлиб ишлади. 1986 йилдан «Оққўрғон» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, 1994-1998

йилларда туман ҳокимининг ўринбосари, 1998-2000 йилларда ширкат хўжалиги раиси, 2000-2006 йилларда қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, маҳалла фуқаролар йиғини раиси лавозимларида ишлаган. 2006 йилдан ЎзХДП Бувайда туман кенгаши раиси. Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши депутати.

Ҳабиба Тошматова изланувчан, билимли ва ташаббускор раҳбар. Қаерда, қандай вазифада ишлаганини одамлар дарди, муаммоси билан куйиб ёнади ва доимо уни ижобий ҳал қилишга интилади. Барча муҳим масалалар муҳокамасида ўз фикрини асослаб бериш қобилиятига эга. Унинг ташкилотчилиги ва фаол иштироки билан тумандаги Оққўрғон жамоа хўжалигида консерва заводи, катта шифохона, иккита ҚВП, учта мактаб, қўллаб маҳалла фуқаролар йиғинлари

учун бинолар, саккизта тоза ичимлик суви насослари қурилган. Маҳаллалар тўлиқ газлаштирилган. Бундан ташқари, тумандаги Олтинқўрғон, Бачқир гузари маҳаллаларига тоза ичимлик суви чиқаришда бош-қош бўлди. ЎзХДП туман кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат этган юзлаб одамлар муаммосини, дардини тинглаб, барчасини ҳал этишда ёрдам бериб келмоқда. Унинг мақсад ва орзуси электроратнинг сиёсий онгини ошириш, ҳуқуқий жамият қуришга муносиб ҳисса қўшиш.

— Агар Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутат этиб сайлансам, — дейди у. — Кўп болали оилалар, ногиронлар, кам таъминланганлар, пенсионерлар кўпроқ дуч келадиган муаммоларни ҳал этишнинг қонуний асосларини яратиш ташаббуси билан чиқишни асосий мақсад қилиб қўйдим.

Иш ўринларини яратиш, касаначилик, косиблик, халқ хунармандчилиги ривожланиши учун зарур шароитларни яратиш бўйича таклифларим бор.

ЖУМАГУЛ КАРИМОВА

(104-Қувасой сайлов округи)



1963 йилда Учкўприк туманида туғилган. Маълумоти олий. Ҳозирги Тошкент тиббиёт академиясини тамомлаган. Мутахассислиги — врач-стоматолог.

Меҳнат фаолиятини 1985 йилда Қўқон шаҳар стоматология поликлиникасида тиш шифокорлигидан бошлаган.

Жумагул Каримова қарийиб 20 йилдан буён Учкўприк тумани аҳолисига тиббий хизмат кўрсатар экан, одамларнинг саломатлигини яхшилаш борасида мустақил ишлаганлар ҳам олиб бормоқда. Унинг хулосаларидан бири шуки, аввало, кишиларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш зарур. Табиий жиҳатдан минтақамизда йод моддаси етишмайди. Натижада, айниқса, болалар ва аёллар ўртасида бўқоқ касаллиги учрамоқда. Бу борада те-

гишли қонун ишлаб чиқилиб, амалга татбиқ этилганда, аммо йод етишмаслиги касалликлари профилактикасини янада кучайтириш талаб этилмоқда.

— Ҳозирги пайтда ўз соғлигини мустақамлаш, керак бўлса юқори сифатли даволанишга вақти ҳам, маблағи ҳам етарли одамлар кўп, — дейди у. — Аммо тажриба шуни кўрсатмоқдаки, кам таъминланган, ногирон, пен-

сионер, кўп болали ҳамда ёш оилаларнинг ҳаммаси ҳам бундай имкониятга эга эмас. Шу боис уларга бепул тиббий ёрдамдан фойдаланиш ҳуқуқи қафолатланиши ҳамда бу соҳадаги қонун ҳужжатлари ижросини кучайтириш керак.

Агар сайловчиларим мени қўллаб-қувватласалар бу масалалар ечимини Қонунчилик палатаси орқали ҳал қилиш учун курашаман. Бундан ташқари, аҳоли саломатлигини сақлашда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Баъзан кўчадаги ошоналардан овқатланган, жамоат жойлари, бозорларда сотиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилиб касалликка чалинган фуқароларни учратамиз. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси билан шуғулланишда масъулият, жавобгарликни, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси назоратини кучайтириш талаб этилади. Бу борада ҳам таклифларимни илгари сурмоқчиман.

Таълим ва ислохот

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

«Хар ким билим олиш ҳуқуқига эга». Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бу тамойили ҳаётда ўз ибодтини топаётган. Нафақат Тошкентда, балки пойтахтимиздан анча олис шаҳар ва қишлоқларимизда ҳам замонавий ўқув муассасалари бунёд этилиб, ёшларнинг тўлақонли билим олишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Шундай муҳташам ўқув масканларидан бири Термиз давлат университетининг янгидан бунёд этилган муҳташам биноси десак айни ҳақиқатни айтган бўламыз.

Ҳозирги кунда мазкур университетда ўн та факультет, 500 нафардан ортиқ профессор ва ўқитувчилар фаолият кўрсатмоқда. Бакалавриятнинг 30 та таълим йўналиши бўйича 7 минг 800 нафардан зиёд талаба таҳсил олмоқда. 171 та фан хонаси, 24 та лаборатория, 22 та курс лойиҳалари хонаси, 13 та компьютер хонасида талабалар билим малакаларини мустаҳкамлашяпти.

Қарийб 900 ўринга мўлжалланган ўрта талабалар турар-жойи мавжуд. Ёшлар дарсдан бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун 65 та тўғарақ фаолият кўрсатмоқда. Барча талабаларга жавоб берадиган ўрта спорт зали, волейбол, футбол, баскетбол майдончалари илм толиблари ихтиёрида.

— Президентимизнинг ташаббуслари билан ўқув даргоҳимизга университет мақоми берилди ҳам янги биноси бунёд этилди, — дейди ТерДУ ректори, педагогика

фанлари доктори, профессор Мамат Хайдаров. — Ўқув биносининг очилиш тантанасида Президентимизнинг таширфлари бутун Сурхондарё элини беҳад қувонтириб юборди. Юртбошимиз амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишди.



Профессор-ўқитувчи ва талабалар билан ўтказилган суҳбат биз учун тарихий воқеа бўлиб қолди.

Университет жамоаси юртимиздаги етакчи олий ўқув юртлири ва ривожланган хорижий давлатлар олимлари билан илмий ҳамкорлик борасида ҳам катта ишлар олиб бормоқда. Кейинги йилларда Жанубий Кореянинг Сун Мун, Кенг-Бук, Кеимюн, Германиянинг Бонн, Мюнхен, Малайзиянинг Мультимеда, Мара, Хиндистоннинг Дехли, Чехиянинг Карлови-Вари каби шаҳарларидаги нуфузли олий ўқув юртлири билан илмий-педагогик ҳамкорлик йўлга қўйилди.

— Бетакдор иншоот бизда катта таассурот қолдирди, — дейди

афғонистонлик ижодкор Гул Муҳаммад. — Марказий Осиёнинг кўркам зиё масканидан бири бўлибди. Шарқ меъморчилиги услубида қурилган университет биносига ҳавасимиз келди. Бу ҳақда Афғонистон телевидениесида кўрсатув ҳам намойиш этдик.

Университет тасарруфдаги ахборот-ресурс маркази мамлакатимиз олий ўқув юртлири орасида етакчи ўринда. Ундан жами 16 минг нафарга яқин китобсеварлар фойдаланмоқда. 172 минг китоб фонди ҳақиқий маънода «хазиналар макони»дир. Сўнги йилларда 4 мингдан ортиқ турли адабиётлар харид қилинди.

— Термиз давлат университети фаолияти икки даврга бўлинади:

Мустақилликка ва Мустақилликдан кейинги давр — дейди педагогика фанлари доктори, профессор Бекмурод Қодиров. — У 1956 йил фаолият бошлаган бўлса, ўшанда 40 нафар ўқитувчи меҳнат қилган, холос. Ўрта мактаб типидagi бинода жойлашган институтда 7 та аудитория, 3 та лаборатория, спорт зал, кутубхона бор эди. Эндиликда университет тубдан ўзгарди. Энг замонавий илм масканларидан бирига айланди.

— Воҳодаги ўзгаришлар менда катта таассурот қолдирди, — дейди Япониянинг «София» сайёҳлик фирмаси президенти Сатору Кавасаки жаноблари. — Ажойиб қурилишлар, шинам турар-жой ва кўркам даргоҳларга ҳавасим келди. Термиз давлат университетини эса Япония, Германия, Россиядаги нуфузли ўқув даргоҳлари билан бемалол бўйлаша олади.

Мухтасар қилиб айтганда булар барчаси мамлакатимизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар самарасидир.

Абдумалик ХАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Москва билан Санкт-Петербург шаҳарлари оралиғида қатновчи «Невский экспресс» поездининг ҳалокатга учраши ва у билан боғлиқ воқеалар бугунги кунда ҳаҳон оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоқларининг асосий ахборот манбаига айланган. Бундан асосий мақсад — шов-шув ортдан қувиш эмас, балки дунё ахлини огоҳлик, огоҳлик ва яна огоҳликка ундаш.

Жорий йилнинг 27 ноябрь кунга кечкурун Тверь яқинида яна бир хунрезлик амалга оширилди. Террорчилар томонидан темир йўл излари остига аввалдан яшириб қўмиб қўйилган портловчи мослама «Невский экспресс» поезди ўтаётган пайтда масофадан туриб ҳаракатга келтирилган ва поездининг охиригича вагони ҳалокатга учраган. Натижада «Интерфакс» ахборот агентлиғи хабар беришича, 26 нафар йўловчи ҳаётдан қўй юмди. 90 киши турли даражада тан жароҳати олди. Уларнинг 20 нафари жуда оғир аҳволда.

Хукумат муҳофизат қилиш органлари ходимлари сайёҳ-ҳаракатлари натижада ҳалок бўлганлардан 25 нафарининг шахси аниқланди. Икки киши дом-дараксиз йўқолган, дея ҳисобланмоқда.

«НЕВСКИЙ ЭКСПРЕСС»

ПОЕЗДИ ПОРТЛАТИБ ЮБОРИЛГАНИ ҲАҚИДА



Экспертлар яна шунини аниқлашдики, масофадан туриб бошқарилган портловчи мосламанинг қуввати 7 килограмм тротил эквивалентига тенг экан. Ҳозир тергов-суриштирув ишлари олиб борилаётганда. Гувоҳлар кўрсатмаларига асосланиб фоторобот ёрдамида террорчилардан бирининг юз тусилиши чизмаси тайёрланди. Қидирув ишлари бошлаб юборилди. Маълумотларга қараганда, ҳалок бўлганларнинг оилалари федерал бюджет, ҳудудий маъмуриятлар бюджети ва темир йўл компания-

си ҳисобидан 1 миллион рублдан ортиқ тоов пули тўланадиган бўлди. Яраланганларга тўланадиган маблағ эса 400 минг рублни ташкил этади.

Шуниси ачинарлики, тергов-суриштирув жараёнларини чалғитиш учун яна хунрезликлар амалга оширилди. Яъни 28 ноябрда айнан тергов гуруҳи иш олиб бораётган пайтда аввалдан яширилган яна бир портловчи мослама масофадан туриб мобил телефони ёрдамида ҳаракатга келтирилган. Шукри, ҳеч ким жабр кўрмади.

30 ноябрь кунга эса «Тюмень-Бок» йўналишида ҳаракатланаётган йўловчи поезди Доғистондан ўтаётганда портлатилди. Омаднинг қарангки, 8 та вагондан иборат поезд вагонлари рельсдан чиқиб кетмади ва ҳеч кимга зиён етмади. Портловчи қурилманинг қуввати 300 грамм тротил эквивалентига тенг экан.

Россиянинг Федерация кенгаши спикери ўринбосари Александр Торшиннинг айтишича, бу террорчилик ақллари профессионал тарзда амалга оширилган, улар узок вақт тайёргарлик кўришган. Уларнинг мақсади Россиядаги барқарор вазиятни издан чиқариш.

Федерация кенгаши мамлакат маъмуриятини кўнтразведка хизмати фаолиятини кучайтиришга чақирди.

Демак, яна ва яна огоҳлик масаласи кун тартибига чиқмоқда.

Алимқул СУЛТОНОВ, шарҳловчи

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ БОРАСИДА

СУСТАКАШЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙГАН

Иордания қироли Абдулла Иккинчи мамлакат парламентини тарқатиб юбориш ва навбатдан ташқари сайловларни ўтказиш тўғрисида фармон эълон қилди. «Reuters» АА хабар беришича, парламент тарқатилишининг са-

баблари ҳозирча ошқор этилма-япти.

Аммо аввалроқ қонун ижодкорлиги борасида суस्ताкашликка йўл қўйилмаётганини юзасидан парламент аъзолари бир неча бор танқид остига олинган эди. Маз-

кур парламент 4 йиллик мандатининг ярмини энди ўтаган эди.

Мамлакат қонунчилиғига кўра, ҳукумат 4 ой ичида янги парламент сайловларини ўтказиш муддатини белгилайди. Лекин қирол бу муддатни орта суриши ҳам мумкин. Негаки, мамлакат Конституцияси бунга йўл қўяди.

110 депутатдан иборат парламентнинг аввалги таркиби ҳам 2007 йил август ойида қирол томонидан тарқатиб юборилган.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

Т/р	Иншоот номи	Буюртмачининг бошланғич нархи (ҚҚС билан) млн. сўм	Буюртмачининг бошланғич нархи (ҚҚСсиз) млн. сўм	Қурилиш муддати
1	«Ғиждувон тумани, «Саримжон» ҚФЙ ҳудудидаги «Оқул сув тақсимлаш» иншооти ва 0,4 км. сув қувири қурилиши»	477,8	398,17	2010 йил 1 август
2	«Олот тумани, «Жумабозор» ҚФЙ ҳудудидаги сув иншооти ва 0,4 км. сув қувири қурилиши»	530,6	442,17	2010 йил 1 август

Қурилиш ишлари Республика бюджети ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилиш ташкилотлари ва наҳрларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи манзили: Бухоро шаҳри, Навоий шох кўчаси, 5-уй. Тел:

223-63-26, факс: 223-63-23.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдоси предметининг 20% миқдориди айланма маблағига ёки кўрсатиб ўтилган маблағига бўлиб банк кафолатномасига, иш-

лар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари катнашганда, уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда пудратчиларга қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилик қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов тақлифлари катнашчиларининг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода катнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Бухоро

вилояти қурилишда танлов савдолари ва наҳрларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Бухоро шаҳри, Навоий шох кўчаси, 5-уй, 18-хона. Тел: (8-365)223-96-29, факс: 223-97-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўпلامининг қиймати — 60 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охиригича муддати — оферталар очилиш кунини соатиғача.

Тақлифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда берилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Бухоро шаҳри, Навоий шох кўчаси, 5-уй, 18-хонада бўлиб ўтади.

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

Жиззах вилояти ҳоқимлиги

«Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

қуйидаги объект бўйича танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

«Жиззах шаҳридаги 90 ўринли юқумли касалликлар шифохонаси қурилиши»

Объектнинг бошланғич қиймати:

— қўшимча қиймат солиғисиз 6 285,6 млн. сўм,
— қўшимча қиймат солиғи билан 7 542,72 млн. сўм.

Ишларни тугаллаш муддати: 2011 йил 15 декабрга.

Ишларни молиялаштириш буюртмачига ажратилган бюджет маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи манзили: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов шох кўчаси, 100-уй. Телефон: (8372) 222-46-40.

Танлов савдосида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдоси предметининг 20% миқдориди айланма маблағига ёки кўрсатиб ўтилган маблағига бўлиб банк кафолатномасига, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юза-

сидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдосида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этганда, уларнинг танлов тақлифлари баҳолаётганда маҳаллий пудратчилар учун қуйидаги нарх преференциялари қўйида тутилган оферталарнинг танлов тақлифларини баҳолаш вақтида қонунчиликка му-

вофиқ қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод этилган импорт ишларни бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл оферталарининг тақлифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.

Танлов савдосида катнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси — **Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва наҳрларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига**

қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин.

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 425-хона. Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқориди манзилда қабул қилинади. Тақлифлар (оферталар)ни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охиригича муддати — оферталар очилиш кунини соатиғача.

Танлов савдоси эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 64-уй (вилоят ҳоқимлиги биноси), кичик мажлислар зали.

Барча қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ ҚУРИЛИШДА «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2010 йилда қуйидаги иншоотларни тўлиқ қуриб битказиш шартин билан ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объектлар номи	Ажратиладиган маблағ ҚҚС билан (млн. сўм)
	Соғлиқни сақлаш бошқармаси объектлари	3 054,20
1.	Гулистон шаҳрида кўп тармоқли вилоят болалар маркази	3836,2
2.	Гулистон шаҳридаги перинитал маркази	678,0
3.	Гулистон шаҳридаги вилоят ВИЧ СПИД маркази	490,8
4.	Гулистон шаҳридаги вилоят қон қуйиш станцияси	285,4
	Сув тизимларини реконструкция қилиш ва янги скважиналар қурилиши	631,0
1.	Боёвут тумани «Уяз» қишлоғи (1,5 км. сув тизими реконструкцияси ва 1 скважина қурилиши)	88,0
2.	Сирдарё тумани Охунбобоев маҳалласи (1,5 км. сув тизими реконструкцияси ва 1 та скважина қурилиши)	85,0
3.	Гулистон тумани Навоий маҳалласида 1 та скважина қурилиши	73,0
4.	Сайхунбод тумани «Синтоб» маҳалласи (2 км. сув тизими реконструкцияси ва 1 та скважина қурилиши)	98,0
5.	Сирдарё тумани «Кўёш» маҳалласи (1,5 км. сув тизими реконструкцияси)	22,0
6.	Гулистон тумани Бешбулоқ маҳалласи (1,5 км. сув тизими реконструкцияси)	22,0
7.	Оқолтин тумани «Бўстон» ҚФЙ 3 км. сув тизими реконструкцияси	243,0

Буюртмачи манзили: Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, М.Ахтмова кўчаси, 30-уй, тел: 8(3672)27-63-86.

Қурилиш ишларини молиялаштириш: «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади.

Талабгор сифатида катнашаётган ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: ҳисоб рақамида танлов савдоси предметини қийматининг камида 20% миқдориди бўш айланма маблағлари бўлиши, ёки кўрсатиб ўтилган маблағига бўлиши, ёки кўрсатиб ўтилган маблағига бўлиши, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов

тақлифларини баҳолаш жараёнида чет эл жиҳозлари киритилиши кўзда тутилганда ва бунда қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, тақлиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Савдолар бўйича Гулистон шаҳри, М.Ахтмова кўчаси 30-уйда жойлашган «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига қуйидаги телефонлар бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Тел (факс): 8 (3672) 27-63-86, 27-62-25.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов

тақлифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин ўтказилади.

«MUNICIPAL AUKSION MARKAZI» MCHJ

tomonidan 3 noyabr kuni o'tkazilgan auktsion savdolarida Toshkent shahar yo'l qurilish va ta'mirlash tresti OAJ tasarrufidagi «Daewoo DV 15t d/r 10 AW 088 a/v 13 900 000 so'mga, «Daewoo DV 15t d/r 10 AW 087 a/v 9 800 000 so'mga, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasi tasarrufidagi Damas d/r 10 AK 018 a/v 4 350 000 so'mga, Damas d/r 10 AA 888 a/v 4 350 000 so'mga sotildi. Shuningdek, 10 noyabr kuni o'tkazilgan auktsion savdolarida Toshkent shahar yo'l qurilish va ta'mirlash tresti OAJ tasarrufidagi «Daewoo DV 15t d/r 10 AW 110 a/v 10 900 000 so'mga, Chet el investitsiyasi ishtirokidagi «Toshkentvino kombinati» OAJ tasarrufidagi GAZ-31029 d/r 01/237KAA a/v 2 400 000 so'mga, RAF-220301 d/r 10 AI 009 a/v 2 600 000 so'mga sotildi.

